

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАМУРОВ БАХОДИР АРИФЖАНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ КАРБОНАТЛИ ХОМАШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН  
ҲОЛДА КАЛЬЦИЙ ВА МАГНИЙ ФОСФАТЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мамуров Баходир Арифжанович**

Маҳаллий карбонатли хомашёлардан фойдаланган ҳолда кальций ва магний фосфатли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Мамуров Баходир Арифжанович**

Разработка технологии получения кальций и магнийфосфатных удобрений с использованием местного карбонатного сырья ..... 21

**Mamurov Bahodir Arifjanovich**

Development of a technology for obtaining calcium and magnesium-phosphate fertilizers using local carbonate raw materials..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**МАМУРОВ БАХОДИР АРИФЖАНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ КАРБОНАТЛИ ХОМАШЁЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН  
ҲОЛДА КАЛЬЦИЙ ВА МАГНИЙ ФОСФАТЛИ ЎҒИТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T863 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шамшидинов Исраилжон Тургунович**  
доктор технических наук, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Дехканов Зулфикахар Киргизбаевич**  
доктор технических наук, доцент

**Нурмуродов Тулкин Исамуродович**  
доктор технических наук, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «12» 11 соат 10<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz)).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2020 йил « 29 » 10 куни тарқатилди.

(2020 йил « 29 » 10 № 3 рақамли реестр баённомаси).

  
**О.К.Эргашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., доцент  
**Д.Ш.Шерқўзиёв**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент  
**З.К.Дехканов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларнинг камайиши ва сайёра аҳолисининг кўпайиб боришида уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш биринчи даражали вазифа ҳисобланади. Шу муносабат билан агросаноат мажмуасини минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш стимуляторлари билан таъминлаш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Минерал ўғитларни тўғри қўллаш ҳосилдорликнинг 50 фоизгача ўсишини таъминлайди. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини зарур ўғитлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёда кузги шудгорлаш учун қўллашда самарали бўлган юқори концентрацияли оддий фосфорли ўғитлар саноатининг ҳозирги илмий-техник ривожланиши таркибида кальций ва магний тутган ноанъанавий иккиламчи хомашё манбаларини қайта ишлаш усулларини қўллаш билан бевосита боғлиқдир. Ушбу йўналишда кальций ва магний карбонатли хомашёдан фойдаланган ҳолда концентранган оддий фосфорли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун илмий ва техник ечимларни асослаш муҳим вазифа ҳисобланади. Улар билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таъминлаш учун бир қатор, шу жумладан қуйидаги йўналишлардаги мавжуд илмий ечимларни асослаш зарур: бўр, оҳактош, доломит ва азотли ўғитлар саноатининг сув тозалаш чиқиндиларидан таркибида кальций ва магний бўлган иккиламчи хомашё сифатида фойдаланган ҳолда юқори концентрацияли оддий фосфорли ўғитлар олишнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш, кальций ва магнийли хомашё манбалари билан аммоний нитрат иштирокида ва аммоний нитратсиз экстракцион фосфат кислотасини (ЭФК) нейтраллашнинг (парчалашнинг) энг мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш, кальций ва магний карбонатли минераллар ва саноат чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда концентранган оддий фосфорли ўғитлар олишнинг маъқул технологиясини ишлаб чиқиш.

Республикамизда кенг қўламли аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида маҳаллий хомашё асосида янги турдаги фосфорли ўғитларни олиш ва қишлоқ хўжалигини юқори сифатли минерал ўғитлар билан таъминлаш соҳасида илмий изланишларнинг юқори натижаларига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...юқори технологик қайта ишлаш тармоқларини, биринчи навбатда, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш...»<sup>1</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур йўналишда таркибида кальций ва магний тутган табиий карбонатли минераллар ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш асосида концентранган оддий фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони

ривожлантириш бўйича бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таркибида кальций тутган концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш бўйича тадқиқотлар билан Набиев М.Н., Позин М.Е., Копылев Б.А., Кармышов В.Ф., Шапкин М.А., Зинюк Р.Ю., Цырлин Д.Л., Бруцкус Е.Б., Аосамяэ Э.Э., Бродский А.А., Суетинов А.А., Федюшкин Б.Ф., Беглов Б.М., Тўхтаев С., Намазов Ш.С., Гафуров К., Адилова М.Р., Эркаев А.У., Мирзакулов Х.Ч., Усманов И.И., Шамшидинов И.Т. ва бошқалар шуғулланишган. Концентрланган фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг мавжуд технологиялари фосфатли хомашёни термик ёки экстракцион фосфат кислотаси билан парчалаш ёхуд экстракцион фосфат кислотасини газ ҳолатидаги аммиак билан нейтраллашни ўз ичига олади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда асосан Марказий Қизилқум (МК) фосфоритларидан олинган аммофос концентрланган фосфорли ўғитлар сифатида ишлатилади. Аммофосни қўллаш натижасида тупроққа келиб тушадиган кальций ва магнийнинг сувда эрувчан ва ўсимликлар ўзлаштирадиган бирикмаларининг миқдори йилдан-йилга камайиб боради, бу эса мазкур элементларнинг тирик организмлар ва ўсимликларда етишмаслигига олиб келади. Экстракцион фосфат кислотасини нейтраллашда аммиак ўрнига табиий карбонатли минераллардан фойдаланилганда таркибида кальций ва магний бўлган концентрланган фосфорли ўғитлар ҳосил бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан ЭФКни карбонатли хомашё билан нейтраллаш ҳамда кальций ва магнийли концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш муаммосини ҳал қилиш зарур бўлади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-қурилиш институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-12-39 рақамли «Маҳаллий карбонатли хомашёлардан фойдаланган ҳолда кальций ва магний фосфат ўғитлар олиш технологияси» (2015-2017 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Марказий Қизилқум фосфоритларидан олинган экстракцион фосфат кислотасини карбонатли хомашёлар – бўр, оҳақтош, доломит, карбонатли саноат чиқиндилари ва уларни термик қайта ишлаш маҳсулотлари билан нейтраллаш орқали таркибида кальций ва магний бўлган концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олишнинг самарадор технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий карбонатли хомашёлар – бўр, оҳактош, доломит, азотли ўғитлар саноати сув тозалаш иншоотларининг кальцийли чиқиндиларини минералогик, кимёвий ва физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш;

карбонатли хомашёни термик қайта ишлаш жараёнини тадқиқ қилиш;

экстракцион фосфат кислотасини кальций ва магний карбонатлари, шунингдек уларни термик қайта ишлаш маҳсулотлари билан нейтраллаш жараёнини ўрганиш ҳамда нейтраллаш ва қуритишнинг мақбул шароитларни аниқлаш;

маҳаллий карбонатли хомашёдан фойдаланган ҳолда кальций ва магний фосфатли ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** таркибида кальций ва магний бўлган табиий карбонатли минераллар – бўр, оҳактош, доломит ва сув тозалаш иншооти чиқиндилари, Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги экстракцион фосфат кислота, таркибида кальций ва магний бўлган концентрланган фосфорли оддий ўғитлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** концентрланган фосфорли оддий ўғитлар олишда таркибида кальций ва магний бўлган карбонатли минераллар – бўр, оҳактош, доломит ва сув тайёрлашдаги кальцийли саноат чиқиндиларидан фойдаланиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Кимёвий ва физик-кимёвий – рентгенографик, ИҚ-спектроскопик ва термографик таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

минимал кўпикланиш даражаси кузатиладиган таркибида кальций ва магний бўлган карбонатли минераллар – бўр, оҳактош, сув тайёрлаш саноат чиқиндиларини термик қайта ишлашнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланган;

илк бор таркибида кальций бўлган табиий карбонатли минераллар ва сув тозалаш чиқиндилари, шунингдек уларга термик ишлов бериш маҳсулотлари билан Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги экстракцион фосфат кислота ва аммоний нитрат билан фаоллаштирилган ЭФКни нейтраллаш йўли билан таркибида кальций ва магний бўлган концентрланган фосфорли оддий ўғитлар олиш жараёнлари асосланган;

илк бор доломитни экстракцион фосфат кислотаси билан дастлабки термик ишлов бермасдан парчалаш жараёнида барқарор кўпикланиш содир бўлмаслиги аниқланган;

илк бор Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги ЭФК билан таркибида кальций ва магний бўлган табиий карбонатли минераллар ва сув тозалаш саноати чиқиндиларини парчалаш орқали концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олишнинг энг мақбул технологик параметрлари аниқланган;

Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги экстракцион фосфат кислота билан табиий карбонатли минераллар ва сув тозалаш саноати чиқиндиларини парчалаш орқали таркибида кальций ва магний бўлган концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

таркибида кальций ва магний бўлган табиий карбонатли минераллар ва сув тозалаш саноати чиқиндиларини концентрланган оддий фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнига қамраб олиш имконияти яратилган;

табиий карбонатли минералларни ва сув тозалаш саноати чиқиндиларини аммоний нитрат билан фаоллаштирилган ва концентрланган Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги ЭФК билан парчалаш орқали кузги шудгорлашда қўллаш учун самарадор бўлган таркибида кальций ва магний бўлган концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш технологияси «Qo`qon superfosfat zavodi» АЖнинг тажриба-саноат ишлаб чиқариши шароитида синовдан ўтказилган ва янги турдаги маҳсулотларнинг тажриба намуналари яратилган;

таркиби ва физик-кимёвий хоссалари туфайли янги кальций ва магний фосфатли ўғитларни олиш технологиясини жорий этиш ўсимликларни фосфатларнинг ҳаракатчан шакллари билан таъминлайди. Таркибида кальций ва магний бўлган янги концентрланган фосфорли оддий ўғитлар таъсирида ўсимликларнинг фосфатлар билан озикланиши оптималлаштирилганлиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ошади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари натижалари ишлаб чиқилган технологияларни тажриба-саноат ишлаб чиқариш шароитидаги синовлар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар концентрланган оддий фосфорли ўғитлар саноат ишлаб чиқаришига таркибида кальций ва магний бўлган табиий карбонатли минераллар ва сув тозалаш саноати чиқиндиларини қамраб олиш учун асос яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, кузги шудгорлашда қўллаш учун яроқли таркибида кальций ва магний бўлган концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш учун табиий карбонатли минераллар ва сув тозалаш саноати чиқиндиларидан, шунингдек олинган натижалардан Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларида ноорганик моддалар ва минерал ўғитлар технологияси ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлашдаги ўқув жараёнида фойдаланишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши.** Таркибида кальций ва магний бўлган карбонатли минераллар ва саноат чиқиндиларини концентрланган оддий фосфорли ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мураккаб азот-фосфорли ўғит олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05912, 2019 й.). Натижада, ЭФК ва аммоний нитрат билан фаолланган ЭФКни карбонатли хомашёлар билан нейтраллаш, суспензияни буғлатиш, донадорлаш ва қуритиш орқали концентрацияланган кальций ва магнийфосфатли ўғитлар олиш имконини берган;

ишлаб чиқилган технология асосида таркибида кальций ва магний бўлган карбонатли минераллар ва сув тайёрлаш саноати чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда концентрланган оддий фосфорли ўғитлар ишлаб

чиқарилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2019 йил 31 октябрдаги 14-6691-сонли маълумотномаси). Натижада, таркибида кальций ва магний бўлган карбонатли минераллар ва азотли ўғитлар корхоналарининг сув тозалаш иншоотлари чиқиндиларини қайта ишлашга қамраб олиш ва концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ихтирога ЎЗР патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотни амалга оширишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикадаги фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси кўрсатилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш соҳасининг ҳозирги замон ҳолати»** деб номланган биринчи бобида хомашё ресурсларининг хусусиятлари, уларни қайта ишлаш шарт-шароитлари ҳамда концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш усуллари келтирилган. Чоп этилган материалларни батафсил ва чуқур танқидий таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Кальций ва магний фосфатли ўғитлар олиш учун бошланғич хомашё материалларининг тавсифи ҳамда тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари»** деб номланган иккинчи бобида таркибида кальций ва магний бўлган минералларнинг табиий конлари, уларнинг хусусиятлари ва захиралари ҳақидаги маълумотлар, тажрибаларни ўтказиш услублари, кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари келтирилган.

**«Кальций ва магний фосфатли ўғитлар олишнинг физик-кимёвий тадқиқи»** деб номланган учинчи боби фосфат кислотаси билан таркибида кальций ва магний бўлган карбонатли хомашёларни парчалашнинг термодинамик асослашга ҳамда термик фосфат кислота, кальций ва магний карбонатлари, шунингдек бошланғич кислотага магний сульфат ва аммоний нитрат киритилишидан фойдаланган ҳолда концентрланган оддий фосфорли ўғитлар олиш жараёнига технологик кўрсаткичларнинг таъсирини ўрганишга бағишланган.

Кальций ва магний карбонатли минераллар ва сув тозалаш иншоотлари чиқиндиларини парчалашни термодинамик асослаш мақсадида кальций, магний ва темир карбонатлари, темир ва алюминий гидроксидлари, шунингдек уларга термик ишлов бериш маҳсулотлари – кальций, магний ва темир(II), темир(III) ва алюминий оксидларини фосфат кислотаси билан, яъни фосфорли ўғитлар олиш жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган таъсирлашиш реакцияларини термодинамик тавсиф ҳисоблари амалга оширилган.

Ҳар бир реакция учун изобарик-изотермик потенциалнинг қийматларини топдик ва шу орқали у ёки бошқа реакциянинг ( $\Delta G$  нинг манфий қиймати) содир бўлишини аниқладик. Қўшалок суперфосфат олиш жараёнида иссиқлик сиғимини ҳисобга олмаган ҳолда кальций ва магний фосфатлар ҳосил бўлишининг термодинамик ҳисоблари  $\Delta G = \Delta H - T\Delta S$  содда формуладан фойдаланиб амалга оширилди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Кальций ва магний карбонатлари фосфат кислота билан ўзаро таъсирлашганда, гидрофосфатларга қараганда дигидрофосфатлар ҳосил бўлиш эҳтимоллиги юқорироқ бўлади. Кальций ва магний гидрофосфатларининг ҳосил бўлиши учун фосфат кислотаси меъёри бир хил ҳароратда – 298°C дигидрофосфат ҳосил бўлишига нисбатан 2 барабар кам бўлиши керак.

Термик ишлов берилмаган карбонатли хомашё билан кислота ўзаро таъсирлашганда темир ва алюминий фосфатларининг ҳосил бўлиш эҳтимоллиги кальций ва магний фосфатлари ҳосил бўлишидан 1,5-2 марта кам бўлади. Фосфат кислота билан таъсирлашганда темир фосфатларининг ҳосил бўлиш эҳтимоллиги темир гидроксидга қараганда темир оксидда юқори бўлади.

Кальций, магний, темир ва алюминий оксидларининг фосфат кислотаси билан ўзаро таъсир эҳтимоллиги жуда каттадир. Оксидларни фосфат кислотаси билан реакциясининг изобарик-изотермик потенциали қийматлари карбонатларни таъсирлашувига нисбатан пастроқдир.

### 1-жадвал

#### Карбонатли хомашёни фосфат кислотаси билан парчалашда содир бўладиган асосий реакцияларнинг термодинамик хусусиятлари

Т/р	Реакциялар	$\Delta H^{\circ}_{298}$ , кж/моль	$\Delta S^{\circ}_{298}$ , кж/моль·град	$\Delta G^{\circ}_{298}$ , кж/моль
<b>Кальций ва магний карбонатларининг парчаланишида</b>				
1.	$\text{CaCO}_3 + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O} + \text{CO}_2$	-38	176	-88
2.	$\text{MgCO}_3 + 2\text{H}_3\text{PO}_4 + \text{H}_2\text{O} = \text{Mg}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O} + \text{CO}_2$	-48	76	-94
3.	$\text{CaCO}_3 + \text{H}_3\text{PO}_4 + \text{H}_2\text{O} = \text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O} + \text{CO}_2$	-24	135	-65
4.	$\text{MgCO}_3 + \text{H}_3\text{PO}_4 + 2\text{H}_2\text{O} = \text{MgHPO}_4 \cdot 3\text{H}_2\text{O} + \text{CO}_2$	-32	81	-73
5.	$3\text{FeCO}_3 + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = \text{Fe}_3(\text{PO}_4)_2 + 3\text{H}_2\text{O} + 3\text{CO}_2$	-14	116	-41
6.	$\text{Fe}(\text{OH})_3 + \text{H}_3\text{PO}_4 = \text{FePO}_4 + 3\text{H}_2\text{O}$	-52	105	-83
7.	$\text{Al}(\text{OH})_3 + \text{H}_3\text{PO}_4 = \text{AlPO}_4 + 3\text{H}_2\text{O}$	-18	121	-53
<b>Термик ишлов берилгандан сўнг кальций ва магний карбонатларининг парчаланишида</b>				
1.	$\text{CaO} + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = \text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$	-217	0	-217
2.	$\text{MgO} + 2\text{H}_3\text{PO}_4 + \text{H}_2\text{O} = \text{Mg}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	-150	-109	-143
3.	$\text{CaO} + \text{H}_3\text{PO}_4 + \text{H}_2\text{O} = \text{CaHPO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	-203	-31	-194
4.	$\text{MgO} + \text{H}_3\text{PO}_4 + 2\text{H}_2\text{O} = \text{MgHPO}_4 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$	-134	-88	-122
5.	$3\text{FeO} + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = \text{Fe}_3(\text{PO}_4)_2 + 3\text{H}_2\text{O}$	-62	71	-96
6.	$\text{Fe}_2\text{O}_3 + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = 2\text{FePO}_4 + 3\text{H}_2\text{O}$	-70	105	-101
7.	$\text{Al}_2\text{O}_3 + 2\text{H}_3\text{PO}_4 = 2\text{AlPO}_4 + 3\text{H}_2\text{O}$	-93	121	-127

Бу оксидларнинг фосфат кислотаси билан юқори тезликда таъсирлашишини кўрсатади. Дигидрофосфатлар ва гидрофосфатлар ҳосил бўлиши билан борадиган карбонатли хомашёни фосфат кислотаси билан таъсирлашиш реакциясининг иссиқлик эффектини аниқлаш учун Шўрсув кони оҳактош ва доломитларидан фойдаланилди.

Кимёвий таҳлил натижалари асосида бўр, оҳактош ва доломитнинг тузли таркиби ва термик ишлов беришдан кейинги уларнинг таркиби, кальций ва магний дигидрофосфатлар ва гидрофосфатлар ҳосил бўлганда ажралиб чиқадиган иссиқлик ва уларни жараённинг умумий иссиқлик эффектига қўшган ҳиссаси ҳисобланди.

Кальций ва магний карбонатларининг кальций ва магний дигидрофосфатлари ва гидрофосфатлари ҳосил қилгунча фосфат кислотаси билан таъсирлашиш иссиқлик эффекти, термик ишлов берилган карбонатли хомашё ишлатилгандагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, таъсирлашиш иссиқлик эффекти кальций карбонат учун 24 ва 38 кж/кг ни, магний карбонат учун эса 32 ва 48 кж/кг ни (мувофиқ ҳолда гидрофосфатлар ва дигидрофосфатлар ҳосил бўлишига) ташкил этади. Темир ва алюминий оксидлари учун таъсирлашиш иссиқлик эффекти 49 кж/кг ва 144 кж/кг ни (мувофиқ ҳолда карбонатли хомашё ва уни термик қайта ишлаш маҳсулоти ишлатилганда) ташкил қилади. Долomitнинг фосфат кислотаси билан таъсирлашиш умумий иссиқлик эффекти дигидрофосфатлар ҳосил бўлишига 135,0 кж/кг ни, гидрофосфатлар ҳосил бўлишига эса 105,0 кж/кг ни ташкил қилади. Хомашё (доломит) таркибидаги кальций ва магний карбонатларининг таъсирлашиш иссиқлик эффекти умумий иссиқлик эффектининг 53,34-63,71% ни ташкил этади. Термик ишлов берилган карбонатли хомашё ишлатилганда иссиқлик эффекти кальций ва магний гидрофосфатлар олишда 481,0 кж/кг ни, дигидрофосфатлари олишда эса 511,0 кж/кг ни ташкил қилади. Жараённинг умумий иссиқлик эффектига уларнинг улуши термик ишлов берилмаган хомашё ишлатилгандагидан кўпроқ бўлади ва 70,06-71,82% ни ташкил қилади.

Фосфат кислотали эритмалар таркибидаги аммоний нитрат ва магний сульфатларнинг таъсирини аниқлаш учун кальций ва магний карбонатларини термик фосфат кислота (ТФК) ҳамда таркибида 1% аммоний нитрат ва магний сульфат тарзидаги 1,5% MgO бўлган ТФК билан парчалаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Кальций карбонатни 70-110% стехиометрик меъёрадаги 20-50%  $P_2O_5$  концентрацияли термик фосфат кислота билан парчаланганда кислота концентрациясининг ошиши билан барча шакллардаги  $P_2O_5$  ва CaO нинг миқдори ошади. Кислота меъёри 70% бўлса,  $P_2O_5$  умумий шаклининг миқдори 13,47% дан 30,55% гача ортади, 100% ли меъёрада 13,77% дан 32,13% гача ўзгаради. Меъёрнинг стехиометриядан юқори 110% гача ортиши  $P_2O_5$  умумий миқдорининг озгина ошиши билан эркин кислота пайдо бўлади.  $P_2O_5$  нинг ўзлашувчан шакли  $P_2O_5$  умумий миқдори билан бир хил даражада ўзгаради ва кислота меъёрининг ортиши билан 70% меъёрадаги 13,40-30,45% дан 110% меъёрадаги 13,83-32,50% гача ўзгаради.

Кислота концентрацияси ва меъёри сувда эрувчан шаклдаги  $P_2O_5$  миқдорига кўпроқ таъсир кўрсатади. Кислота меъёрига боғлиқ ҳолда кислота концентрацияси 20 дан 50% гача ортганда  $P_2O_{5c.э.}$  миқдори 70% меъёрадаги 7,69-17,45% дан 80% меъёрадаги 10,19-23,43% гача, 90% меъёрадаги 12,17-28,20% гача ва 100% меъёрадаги 13,73-32,07% гача ортади. Кислота концентрацияси 20 дан 50%  $P_2O_5$  гача ортганда фосфат кислота меъёрини 110% гача кўтарилиши  $P_2O_{5c.э.}$  миқдорини 13,80-32,47% гача оширади. Кислота концентрациясининг 20 дан 50%

$P_2O_5$  гача ортиши билан  $CaO$  нинг умумий шакли кислотанинг 70% меъёрида 7,58% дан 17,21% гача, ўзлашувчан миқдори 7,50% дан 17,11% гача, 100% меъёрида 5,39% дан 12,61% гача ортади. Кислота меъёри 70% дан 100% гача ортганда,  $CaO$ нинг сувда эрувчан шакли 3,03-6,88% дан 5,39-12,61% гача кўтарилади.

Фосфат кислота меъёри стехиометрик миқдорга нисбатан 100% дан кам бўлганда монокальцийфосфат билан бир қаторда дикальцийфосфат ҳам ҳосил бўлади. Буни парчалаш маҳсулотларидаги  $P_2O_5$  нинг ўзлашадиган ва сувда эрийдиган шакллариининг ўзгариши тасдиқлайди.

Фосфат кислотасига 1% аммоний нитрат кўшилганда,  $P_2O_5$  ва  $CaO$  турли шакллари ўзгаришининг юқорида кўрсатиб ўтилган қонуниятлари сақланиб қолади.

Анчагина катта фарқ  $P_2O_5$  нинг сувда эрувчан шакли миқдорининг ўзгаришида кузатилади. Фосфат кислотасига аммоний нитрат кўшилганда  $P_2O_{5с.э.}$  миқдори катта бўлиб, 70% меъёрда 8,46-19,10% ни ва 90% меъёрда 12,43-28,47% ни ташкил қилади, аммоний нитрат кўшилмаганда бу кўрсаткичлар мос равишда 7,69-17,45% ва 12,17-28,20% га тенг бўлади. 100 ва 110% меъёрларда, фосфатларнинг сувда эрувчан шаклининг миқдори аммоний нитрат кўшилмаган кислотадан фойдалангандагига нисбатан паст бўлади.

Шунга ўхшаш ўзгаришлар  $CaO$  турли шакллариининг миқдорларида ҳам кузатилади. Фақатгина  $CaO$  нинг сувда эрийдиган шаклининг миқдорлари фарқ қилади, бу миқдорлар кислотага аммоний нитрат кўшилмагандагига нисбатан бирмунча кичик бўлади.


Бошланғич ЭФКга 1,5% магний оксид ҳисобида магний сульфат кўшилишининг ўзига хос хусусияти сувда эрувчан  $P_2O_5$  улушининг маълум даражада ортиши ҳисобланади. Масалан, кислотанинг 20-50%  $P_2O_5$  концентрацияли 70% меъёрида фосфат кислотаси билан кальций карбонат парчаланганда сувда эрувчан шаклдаги  $P_2O_5$  нинг унинг умумий миқдорига нисбати 57,09-57,12% ни ташкил қилади, магний карбонат парчаланганда эса 60,22-60,03% га, кислотага аммоний нитрат кўшиб кальций карбонат парчаланганда 63,41-64,12%, магний карбонат парчаланганда эса 65,21-65,39% га тенг бўлади. Бошланғич фосфат кислотага 1,5%  $MgO$  ва 1% аммоний нитрат кўшиш таркибида 66,37-66,14% сувда эрувчан шаклдаги бўтқа олиш имконини беради.

Кислотага аммоний нитрат кўшилмаганда, сувда эрувчан шаклининг унинг умумий миқдорига нисбати 59,09-58,94% ни ташкил этади, бу эса магний оксиди ва аммоний нитратнинг кўшилиши сувда эрийдиган  $P_2O_5$  улушини сезиларли даражада оширганлигидан далолат беради.

**«Кальцийли хомашёларни оддий фосфорли ўғитларга қайта ишлаш жараёнларини тадқиқ қилиш»** деб номланган тўртинчи боби таркибида кальций ва магний бўлган карбонатли табиий хомашёлар ва сув тозалаш чиқиндиларини ЭФК ва таркибида 1% аммоний нитрат бўлган ЭФК билан қайта ишлашга бағишланган. Кўйилган мақсадга эришиш ишда таркибида (оғ. %):  $P_2O_5 = 17,23$ ,  $CaO = 0,32$ ,  $MgO = 0,66$ ,  $Fe_2O_3 = 0,30$ ,  $Al_2O_3 = 0,41$ ,  $F = 1,18$  бўлган ЭФК; таркибида (оғ. %):  $CaO = 40,67$ ;  $MgO = 11,55$ ;  $CO_2 = 44,76$ ;  $FeO = 0,48$ ;  $R_2O_3 = 0,50$ ;  $SO_3 = 0,36$ ;  $H_2O = 0,60$ ; э.қ. = 1,08 доломитлашган бўр; таркибида (оғ. %):  $CaO = 54,09$ ;  $MgO = 1,07$ ;  $CO_2 = 43,63$ ;  $R_2O_3 = 0,19$ ;  $SO_3 = 0,09$ ;  $H_2O = 0,29$ ; э.қ. = 0,62 Фарғона вилояти Шўрсув кони оҳактоши ҳамда таркибида (оғ. %):  $CaO = 44,83$ ;  $MgO = 1,58$ ;  $CO_2 = 36,50$ ;  $SO_3 = 0,84$ ;  $R_2O_3 = 0,74$  ва э.қ. = 0,37 «Фарғонаазот» АЖ сув тозалаш иншоотининг кальций ва магний карбонатли чиқиндиси ишлатилди.

Таркибида кальций ва магний карбонат бўлган хомашё билан ЭФКни нейтраллаш жараёни хона ҳароратида (20-25°C), карбонатли хомашёга нисбатан кислотанинг 100% стехиометрик меъёрида амалга оширилди (1-расм).

Сув тозалашнинг карбонатли чиқиндиси, шунингдек бўрсимон хомашё билан ЭФКни нейтраллаш жараёнининг нисбатан тезроқ содир бўлиши аниқланди. Нейтраллаш жараёнида карбонатли чиқинди ва доломитлашган бўр



**1-расм. Кальцийни ажралиш даражасини жараён давомийлигига боғлиқлиги**

вақт талаб этилади.

Кейинги тадқиқотлар доломитлашган бўрсимон хомашё билан олиб борилди. Бунинг учун таркибида 1% аммоний нитрат бўлган буғлатилмаган ва 35,2% P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> га қадар буғлатилган ЭФК ишлатилди. ЭФКни доломитлашган бўрсимон хомашё билан нейтраллаш жараёнида монокальций- ва мономагнийфосфатлар, шунингдек темир ва алюминий фосфатлари ҳосил қилиш бўлишига нисбатан кислотанинг стехиометрик меъёри 70-125% ни ташкил этди. Нейтраллаш жараёнининг давомийлиги 25-30°C ҳароратда 1 соатни ташкил этди (3-жадвал).

### 3-жадвал


#### Бўтқанинг кимёвий таркиби ва жараённинг технологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	ЭФК меъёрига мувофиқ ҳолда жараённинг технологик кўрсаткичлари, %							
	70	85	85	85	95	95	100	125
ЭФК бошланғич концентрацияси, % P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	21,5	21,5	31,7	35,2	21,5	35,5	17,23	17,23
P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> (умум.), %	19,03	19,42	27,40	29,96	19,45	30,66	15,91	16,13
P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> (ўзл.), %	18,10	18,68	26,43	29,01	19,13	30,36	15,80	16,08
P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> (с.э.), %	13,24	15,13	21,52	23,78	16,33	26,02	14,12	14,58
СаО (умум.), %	8,80	7,46	10,52	11,51	6,72	10,60	5,24	4,31
MgO (умум.), %	3,13	2,76	3,89	4,25	2,55	4,02	2,01	1,76
N (ўзл.), %	0,31	0,31	0,46	0,49	0,32	0,50	0,32	0,33
H <sub>2</sub> O, %	58,96	60,2	43,93	39,48	60,49	39,74	67,79	69,17
(P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл.:P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> умум.)×100, %	95,11	96,19	96,46	96,83	98,36	99,02	99,31	99,69
(P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> с.э.:P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ўзл.)×100, %	69,57	77,91	78,54	79,37	83,96	84,87	88,75	90,39

Доломитлашган бўрсимон хомашё билан таркибида 21,5%  $P_2O_5$  бўлган ЭФКни кислотанинг 70% меъёрида нейтраллашда  $(P_2O_{5\text{ўзл.}}:P_2O_{5\text{умум.}})\times 100$  нисбат 95,11% ни ташкил қилади. Кислота меъёри 85% га оширилганда бу нисбат 96,19% гача кўтарилади. Нейтраллаш жараёни кислотанинг худди шундай меъёрида ва бошланғич кислота концентрацияси 31,7% дан 35,2%  $P_2O_5$  гача ошириб амалга оширилганда  $(P_2O_{5\text{ўзл.}}:P_2O_{5\text{умум.}})\times 100$  нисбатнинг мос равишда 96,46% ва 96,83% га ўсиши қайд этилади. 21,5% ва 35,5%  $P_2O_5$  концентрацияли ЭФКни нейтраллаш жараёнида кислота меъёри 95% га етганда олинган суспензиядаги  $(P_2O_{5\text{ўзл.}}:P_2O_{5\text{умум.}})\times 100$  нисбати мос равишда 98,36% ва 99,02% ни ташкил этади.

ЭФКни таркибида кальций ва магний бўлган карбонатли минераллар билан нейтралланганда кучли ва барқарор кўпикланиш кузатилади. Масалан, 17,23%  $P_2O_5$  концентрацияли бошланғич ЭФКга кальций ва магнийли маҳсулотлар кўшилганда 5 минут ичида кўпик баландлиги доломитлашган бўрсимон хомашё учун 310% га, оҳактош учун 335% га, ҳамда сув тозалашнинг кальцийли чиқиндиси учун 345% га етади, кўпикни тўла сўндиришга оҳактош учун 45-50 минут, сув тозалаш чиқиндиси ва доломитлашган бўрсимон хомашёлар учун 150 дақиқа вақт талаб этилади.

2-расмда ЭФКни доломитлашган бўрсимон хомашё билан нейтраллаш жараёнида кўпикланишнинг жараён давомийлигига боғлиқ равишда ўзгариши кўрсатилган. 15 дақиқадан сўнг кўпикланиш 125% гача, 60 дақиқадан кейин 30% гача ва 120 дақиқадан сўнг 10% гача камаяди.



**2-расм. Карбонатли хомашё термик қайта ишлаш давомийлиги ва ҳароратига боғлиқ ҳолда ЭФКни нейтраллаш жараёнидаги кўпикланиш даражасининг ўзгариши:**  
**1-термик қайта ишланмаган; 2 – 500°C; 3 – 700°C; 4 – 850°C; 5 – 950°C.**

бунинг натижасида намунанинг массаси камаяди.

Ҳарорат 700-800°C гача оширилганда хомашёдаги  $CO_2$  миқдори камаяди, бошқа компонентлар миқдорлари эса ортади. Масалан, 800°C ҳароратда  $CO_2$  миқдори доломитлашган бўрсимон хомашёда 35,55% ни, оҳактошда 42,18% ни ва сув тозалаш чиқиндисидида 39,28% ни ташкил этади.

ЭФКни карбонатли хомашё билан нейтраллашда кўпикланишни камайтириш мақсадида бўрсимон хомашё, оҳактош ва сув тозалаш чиқиндисини термик қайта ишлаш жараёнлари ва уларни кўпикланиш жараёнига таъсири ўрганилди. 100÷500°C ҳарорат оралиғида хомашёни термик қайта ишлаш жараёнида намликнинг камайиши, кристаллизация сувининг ажралиши ва темир гидроксидининг парчаланиши кузатилади,

Ҳароратнинг  $950^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши 1 соат ичида  $\text{CO}_2$  миқдорини 17,84-17,15% гача камайтиради.

$\text{CO}_2$  нинг тўлиқ йўқотилиши  $1050^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 1 соат давомида ва  $1000^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 3 соат давомида кузатилади. ЭФКни нейтраллаш жараёнида кўпикланишни камайтириш учун  $800-950^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 60 минут давомида куйдирилган, яъни термик қайта ишланган хомашёни ишлатиш тавсия этилади.

Доломитлашган бўрсимон хомашёга термик ишлов бериш натижасида олинган маҳсулотлар билан ЭФК нейтралланганда, кўпикланиш даражаси кескин:  $500^{\circ}\text{C}$ ,  $700^{\circ}\text{C}$ ,  $850^{\circ}\text{C}$  ва  $950^{\circ}\text{C}$  ҳароратда термик ишлов берилган хомашё ишлатилганда 5 дақиқадан сўнг мос ҳолда 190%, 180%, 147% ва 78%, 15 дақиқадан сўнг эса мос равишда 65%, 52%, 30% ва 10% ни ташкил қилади.  $850^{\circ}\text{C}$  ва  $950^{\circ}\text{C}$  ҳароратда термик ишлов берилган хомашё ишлатилишидан олинган суспензияни 30 дақиқа давомида аралаштирганда кўпикнинг тўла сўниши кузатилади.

ЭФКни бўрсимон хомашё билан нейтраллаш жараёнида кўпикланишни камайтириш учун бошланғич хомашёга  $850^{\circ}\text{C}$  ҳароратда термик ишлов беришни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида таркибида (оғ. %):  $\text{CaO}$  – 50,88,  $\text{MgO}$  – 14,45,  $\text{CO}_2$  – 31,64,  $\text{FeO}$  – 0,60,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  – 0,63 э.қ. – 1,80 бўлган термик ишлов берилган хомашё ҳосил бўлади.

Монокальций- ва мономагнийфосфатлар, темир ва алюминий фосфатлари ҳосил бўлиши учун стехиометрик меъёрга мос келадиган меъёрдаги ~ 35%  $\text{P}_2\text{O}_5$  концентрацияли ЭФКни  $850^{\circ}\text{C}$  ҳароратда термик ишлов берилган бўрсимон хомашё билан нейтралланганда таркибида (оғ. %):  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум}}$  – 30,50;  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл}}$  – 30,23;  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{с.э}}$  – 27,15;  $\text{CaO}$  – 10,04;  $\text{MgO}$  – 3,86;  $\text{N}$  – 0,62;  $\text{H}_2\text{O}$  – 40,05 бўлган суспензия ҳосил бўлади.

Ушбу суспензияларда ўзлаштириладиган фосфор миқдори 99,11% ни ташкил қилади. Суспензияни  $95\div 100^{\circ}\text{C}$  ҳарорат оралиғида қуритилганда таркибида (оғ. %):  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум}}$  – 49,21;  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл}}$  – 48,75;  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{с.э}}$  – 43,63;  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{эркин}}$  – 2,27;  $\text{CaO}$  – 16,21;  $\text{MgO}$  – 6,23;  $\text{N}$  – 1,00;  $\text{H}_2\text{O}$  – 3,46 бўлган кальций ва магний фосфатли ўғитлар ҳосил бўлади. Олинган маҳсулотдаги умумий фосфатлар миқдорига нисбатан  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўзл}}$  нинг улуши 99,07% ни,  $\text{P}_2\text{O}_{5\text{с.э}}$  улуши эса 88,66% ни ташкил қилади.

Фосфорли ўғитлар саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, уни таннархини пасайтириш (аммофосга нисбатан), қимматбаҳо хомашё – фосфорит сарфини камайтириш (кўшалок суперфосфат билан солиштирганда) мақсадида экстракцион фосфат кислотани доломит хомашёси билан нейтраллаш йўли билан ўзлашувчан кальций ва магнийли фосфатли ўғитлар олиш жараёни ўрганилди.

Ушбу мақсад учун таркибида 17,23%  $\text{P}_2\text{O}_5$  бўлган ЭФК ва таркибида  $\text{CaO}$  – 32,36%,  $\text{MgO}$  – 18,68% бўлган доломитдан фойдаланилди. ЭФКни доломит билан нейтраллаш жараёни бошқа карбонатли хомашёлардан фарқ қилади. Нейтраллаш жараёнида доломитдан фойдаланганда барқарор кўпикланиш амалда кузатилмайди, бу эса нейтралланиш тезлигини оширишга имкон беради.

Таркибида кальций ва магний бўлган фосфорли ўғитлар олиш учун ЭФК ва 1% миқдорда аммоний нитрат қўшилган ЭФКни доломит билан нейтраллаш, суспензияни буғлатиш ва қуритиш орқали ўғит ишлаб чиқариш жараёни ўрганилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ЭФКни доломит билан нейтраллаш жараёнида таркибида (оғ. %):  $P_2O_{5\text{умум.}}$  – 16,15 ва 15,99;  $P_2O_{5\text{ўзл.}}$  – 15,92 ва 15,77;  $P_2O_{5\text{с.э.}}$  – 15,09 ва 14,96;  $CaO$  – 4,04 ва 4,02;  $MgO$  – 2,78 ва 2,76;  $R_2O_3$  – 1,11 ва 1,10;  $SO_3$  – 1,17 ва 1,16;  $F$  – 1,07 ва 1,06;  $N$  – 0 ва 0,32;  $H_2O$  – 69,16 ва 69,58 бўлган суспензиялар ҳосил бўлади. Суспензияларда ўзлашадиган фосфор миқдори мос равишда 98,58% ва 98,62% ни ташкил қилади.

Жараённинг технологик параметрлари, оралик суспензия ва тайёр маҳсулотларнинг кимёвий таркиби 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

##### ЭФКни доломит хомашёси билан нейтраллашдан олинган суспензиянинг кимёвий таркиби ва жараённинг технологик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Суспензия		Қуритилган маҳсулот	
	ЭФК	ЭФК+ $NH_4NO_3$	ЭФК	ЭФК+ $NH_4NO_3$
$P_2O_5$ (умум.), %	16,15	15,99	49,21	49,57
$P_2O_5$ (ўзл.), %	15,92	15,77	48,60	49,03
$P_2O_5$ (с.э.), %	15,09	14,96	45,94	46,51
$CaO$ (умум.), %	4,04	4,02	12,31	12,46
$MgO$ (умум.), %	2,78	2,76	8,46	8,56
$R_2O_3$ (умум.), %	1,11	1,10	3,39	3,41
$SO_3$ (умум.), %	1,17	1,16	3,57	3,60
$F$ , %	1,07	1,06	2,70	2,55
$N$ (умум.), %	-	0,32	-	1,01
$H_2O$ , %	69,16	69,58	5,96	5,68
$(P_2O_{5\text{ўзл.}}:P_2O_{5\text{умум.}})\times 100$ , %	98,58	98,62	98,76	98,91
$(P_2O_{5\text{с.э.}}:P_2O_{5\text{умум.}})\times 100$ , %	93,44	93,56	93,35	93,83

